

## Муаммоларга тавсия



17:01 / 12.03.2022 3405

Оилада эрни рози қиладиган ишга эътибор бермаслик ва ҳис-туйғуларини инобатга олмаслик доим муаммо сифатида қараб келинган. Мазкур муаммонинг ечими ўлароқ, ҳурматли аёлларимиз учун кўплаб фойдаларни жамлаган ушбу панд-насиҳатларни келтиришни лозим топдик.

Солиҳлардан бири Асмо ибн Хорижа ал-Фазорий қизларини турмушга беришдан олдин унга қуйидагича насиҳат қилди: «Кўзимнинг оқу-қораси, ҳаётим қувончи, жон қизим! Агар бирор инсоннинг одоби гўзал бўлгани ва насаби олий бўлгани учун насиҳат қилинмайдиган бўлса, унга сен ҳақли бўлар эдинг. Бироқ, ушбу панд ва ўғитлар ғофил кишига эслатма, оқил инсонга эса манфаат беради. Эй қизим! Сен бугун бу дунё юзини кўриб, униб-ўсган жойингдан ўзинг билмаган масканга ҳамда ҳаёт синовларида сенга ҳамроҳ бўлмаган инсоннинг уйига кетяпсан. Сен эринг учун ер

бўлгин, у сен учун осмон бўлади. Жуфти ҳалолинг учун мисоли чўри каби бўл. У сен учун қул каби бўлади. Мен сенга айтмоқчи бўлган ушбу насиҳатларни доимо ёдингда сақла:

1. Жуфти ҳалолингга қаноатли бўл. Чунки бу хислат билан қалб доимо хурсанд бўлади.
2. Эрингнинг айтган гапларига ва буюрган ишларига сўзсиз амал қил. Зеро, бу ишда Аллоҳнинг розилиги бор.
3. Унинг кўзини ёмон жойларга тушишдан сақла. Ҳаргиз унинг нигоҳи хонадонда ёмон кўрилган нарсага тушмасин. Аёл киши учун энг гўзал нарса бу сурмадир.
4. Унинг димоғига ёмон ҳидлар киришига ҳам йўл қўйма. Доимо сендан ва хонадонингдан муаттар ҳидлар тарқалиб турсин. Энг яхши хушбўйлик бу сувдир (Сув билан озодалик сақланади).
5. Унинг молини муҳофаза қил. Ёдингда тутгинки, молни тежаб ишлатиш гўзал ҳаёт кечириш гаровидир.
6. Унинг оила аъзоларига ҳурмат билан қара. Чунки бу оилавий ҳаётнинг тотувлигини таъминловчи асосий ишдир.
7. Жуфти ҳалолингнинг таомини вақтида тайёрла. Чунки оч қолиш ғазабланиш сабабларидан ҳисобланади.
8. Уйқуси келганда дарҳол ўрнини ҳозирла. Зеро, уйқунинг кечикиши ҳам эрнинг асабийлашишига олиб келадиган сабаблардан биридир.
9. Турмуш ўртоғинг ва оила аъзоларинг сирларини бошқаларга айтма. Агар уларнинг сирларини бегоналарга айтсанг, турмуш ўртоғинг ва унинг яқинларининг ишончини йўқотасан.
10. Эрингга осий бўлма. Агар унга осий бўлсанг, унинг қалбига озор етказган бўласан.

**Манба: *islamcenteruz***